

Мустақиллик байрамига муносиб тухфа

// 07 avgust 2026 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mustaqillik-bayramiga-munosib-tuhfa>



Корхонага қарашли санаторий-профилакторийдаги бунёдкорлик ишлари якунланиш арафасида. Бу ерда ходимларнинг саломатлигини тиклаш, уларнинг муносиб шароитда дам олиши, реабилитация жараёнларини самарали ташкил этиш мақсадида барча имкониятлар яратилмоқда. Шинам хоналар, тиббий муолажалар, мазмунли ҳордиқ чиқариш учун қулай шароит, спорт иншоотлари, обод, кўкаламзорлаштирилган маскан меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.



Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлиги муҳофазаси ва ҳаёти сифатига ижобий таъсир этади. Ушбу лойиҳа корхонада инсон қадрини улуғлаш, ходимлар фаровонлигини таъминлаш ҳамда меҳнат жамоаси учун муносиб ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган эзгу ишларнинг узвий давомидир. Замонавий санаторий-профилакторий минглаб мутахассислар, меҳнат фахрийлари, фуқароларнинг жисмоний, руҳий ҳолати мувозанатини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.



Мазкур маскан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан

фойдаланишга топширилади. Бу эса ушбу қўтлуғ санага муносиб тўхфа бўлиб, корхонада амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишларининг амалий ифодасига айланади.

